**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**
**ФАРМОЙИШИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**
**БИЙЛИГИ**

Нукус шаҳри | Нөкис қаласы

№ 120 -Б « 4 » МАЙ 2018 ж.й

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 октябрдаги "Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3318-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2018 йил 18 апрелдаги 02/1-2576-сонли топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 21 апрелдаги 013/016-811-сонли, Қорақалпоғистон Республикаси фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2018 йил 21 апрелдаги 01-04/155-сонли ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 25 апрелдаги СМ/06-02/981-сонли таклиф хатларини инобатга олиб:

1. Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимларига:

- Қорақалпоғистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раҳбари ҳамда туманлар Кенгаши бўлинмаларига иш шароитини яратиб бериш мақсадида уларнинг ҳар бирига "Дамас" автомобилини ва оргтехникалар сотиб олиш учун *(расмийлаштириш ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда)* тегишли маҳаллий бюджетнинг қўшимча даромадлар қисми ҳисобидан зарур маблағларни белгиланган тартибда ажратиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раҳбари ҳамда туманлар Кенгаши бўлинмаларининг ҳар бирига сотиб олинадиган "Дамас" автомобилини ва оргтехникаларни белгиланган тартибда балансдан-балансга бепул ўтказиб берилишини таъминлаш;

- Қорақалпоғистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (Қ.Нуримбетов) билан биргаликда "Дамас" автомобилларини ва оргтехникаларни сотиб олиш учун ажратилган маблағларнинг мақсадга мувофиқ ишлатилишини таъминлаш топширилсин.

2. "Қорақалпоқавтотеххизмати" АЖ (Қайпбеков), Нукус шаҳри ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раҳбари ҳамда туманлар Кенгаши бўлинмаларининг ҳар бирига сотиб олинадиган "Дамас" автомобилларига пул ўтказиш бўйича икки томонлама шартномалар тузиш ишларини тавсия этилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат молиявий назорат бошқармаси (Б.Утамбетов)дан зарур бўлган автомобиль ва оргтехника воситаларини сотиб олиш учун эркин қолдиқ ҳисобидан ажратилган тегишли маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилиш сўралсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (А.Темирханов)га ушбу сотиб олинган автомобилларнинг тегишли ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш топширилсин.

5. Ушбу фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов ҳам Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари С.Хожаметов зиммаларига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

QORAQALPOQSTAN RESPUBLIKASI MINISTRLER KENGASI
UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM